

ТАРИХИ, ТАҚДИРИ БИР ХАЛҚЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 январь куни Туркменистонга амалий ташриф буюрди. Чоржўй аэропортида Ислам Каримовга Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов пешвоз чиқди.

Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон раҳбарига анвойи гуллар тақдим этдилар. Миллий удумга биноан туркман оқсоқоллари ҳам ҳурматли меҳмон билан кўриқдилар.

Аэропортда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президентлар фахрий қоровул сафси олдида ўтдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон давлат маҳиялари янгради. Шундан сўнг автоташналар қаровон Чоржўйдаги қароргоҳга йўл олди. Бу ерда Ўзбекистон ва Туркменистон давлат раҳбарлари ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Шу вақтнинг ўзига икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибда-



СУРАТДА: Президентлар икки томонлама ҳужжатлари имзолашди. А. Тўраев олган сурат.

маслик, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги 20 дан зиёд битимлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясида бўлиб ўтган Лебав вилояти фаоллари ва журналистлар билан учрашув чоғида икки мамлакат ўр-

бари. — Дарҳақиқат, қадимдан қардош халқларимизни бир-биридан асло ажратиб бўлмади. Биз, давлатлар раҳбарлари бу азалий дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги халқларимизнинг орзу-истакларини рўйга чиқариш учун хизмат қилишимиз керак.

Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов ҳам халқларимизнинг тарихи ва тақдири бирлиги ҳақида сўзлар экан, бу қардошлиқни мустаҳкамлаш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида Президент Ислам Каримов билан яқдил эканини билдирди.

— Бугун имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг манфаатлари йўлида хизмат қилишига аминман, — деди Туркменистон раҳбари.

Чоржўй аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовни расмий кузатиш маросими бўлди. Президент Ислам Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегациясини Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Туркменистон сафарига Президент Ислам Каримовга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Б. Гуломов, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазир А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Чоржўйдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ислам Каримовни Ўзбекистон Бош вазир У. Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Амирқул КАРИМ.
(Ў.А.)
Тошкент — Чоржўй — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда ҳокимлик, вазирлик, уюшма ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига буюк соҳибдорларнинг Тошкент шаҳридаги 660 йиллигига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилган эди. Худди шу масала бўйича бизга Ўзбекистон Расомлар

1996 йил — Амир Темур йили

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА АЙПНАДИ

уюшмасининг вице-президенти Владимир Бурмакин куйдагиларни сўзлаб берди:

— Соҳибқирон Амир Темур юбилеига бағишлаб катта тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Мусавирларимиз пойтахтимизда бунёд этилаётган Амир Темур музейини барпо этишда бе-

ўзида халқ амалий-бадий санъати соҳасида ҳам туркум экспозициялар Парижда апрель-май ойларида ўтказилажак катта кўргазма учун ҳозирланмокда.

Бу борада барча ишларни амалга ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солимоқдамиз. Зеро юртобимиз таъкидлаб ўтганларидек, Амир Темур юбилеи умумхалқ байрамига айланиб кетади.

Назозат УСМОНОВА

Шинавандалар кўпинча хонанда Равайн Назозатнинг «Дарё бор жойда мавж бордир ҳар доим» деб бошланувчи кўшигини жон қулоқлари билан тинглашади. Инглизча матндан ўзбек тилига ағдарилган бу кўшиқ бугунги кунда Тошкент «Кока-кола»сининг доврўғи тобора кенг ёйилиб бораётганидан дарак беради.

Гапнинг индаллосига кўчадагиан бўлса, чиндан ҳам бу танга шифо ва ҳузурбахш этувчи ичимликни бундан уч-тўрт йил олдин дастурхонга тортиқ этиш кўпчилиги учун орзу эди. Борди-ю, бу ичимлик онда-сонда дўкон пештахталарида кўрииб қолса борми, бир зумда у қўлма-қўл бўлиб кетарди. Эндичи... Ҳозир Тошкент «Кока-кола»си кириб бормаган уй деярли қолмади, ҳисоб. Ўшбу тотли ичимлик куйилган бежирим, биллурнусха шишчаларни республикамизнинг барча бурчакларидаги дўконларда учратишингиз мумкин. Кизиги шундаки, бу ичимлик қанчалик бисёр бўлмасин, шунчалик бозори чақон, қўлма-қўл бўлиб борапти.

Хўш, танга роҳат бахш этувчи «Кока-кола»ни халқимизга қўш-қўлаб тутаётган, яъни унинг тайёрловчилари қимлар? Бешёғочдаги 6-пиво заводи ўрнида қад кўтарган «Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасидир. Чет эл фирмаларининг техникаси билан тўла жиҳозланган ушбу корхонанинг шуҳрати қисқа муддат ичида оламга таралди. Жаҳон андозаларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган маҳсулотлари эса халқимизнинг энг севимли ичимлигига айланди. Корхонада фаолият кўрсатаётган 200 дан зиёд ишчи ҳамжihatлик билан ўз маҳсулотини шуҳратини янада кенг ёйиш, меҳнаткашларнинг талаб ва истаклари асосида унинг турларини кўпайтириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Яқинда жоманнинг янги маҳсулоти — «Сенплинг» синовдан ўтказилиб, мутахассисларнинг аъло баҳосига сазовор бўлди. Шу ўринда оқшохонларга тушунари бўлсан учун қисқача изоҳ бермоқчимиз. «Сенплинг» сўзи аслида инглизча бўлиб, у «табиб кўрини» маъносини англатади. Гап шундаки, корхонанинг янги «Фанта»си ҳам худди «Кока-кола» сингари «Сенплинг»дан сўнг қисқа муддат ичида кенг жоматчилик эътиборини қозонди. Ҳозирда дўкон пештахталаридан ўрин олаётган «Кока-кола» идишига қуйилган

«Фанта»лар ҳам юқоридаги корхонанинг маҳсулотидир. Демак, корхона масъулияти янада ошди. Чунки унинг маҳсулотлари сони икки турга етди. Корхонанинг маркетинг ва реклама бўлими менежери Жаҳонгир Абдурашодовдан янги маҳсулот ҳақида сураганимизда шундай тушунтириш берди.



Тошкентнинг рақобатбардош маҳсулотлари

ШОДЛИК БОР ЖОЙДА ҲАР ДОИМ «КОКА-КОЛА»



— Ўз фаолиятимизни бошлагандан буён фақат «Кока-кола» ичимлигини ишлаб чиқараётган эдик. Яқиндан эса «Фанта» яхна ичимлигини тайёрлашни йўлга қўйдик. Янги маҳсулотнинг яратилиши бизга байрамона кайфият бағишлади. Шунинг учун ўша куни ҳар

иккала турдаги маҳсулотларимиздан шахримиз туманларидидаги 45 та савдо шохбозлари ва йирик савдо марказларида харидорларга бепул тарқатдик. Биргина декабрь ойида 72 минг шиша яхна ичимлик «Сенплинг», яъни «табиб кўриш» учун ажратилди. Шунингдек 21, 22, 23, 24-мехрибонлик уйларида 12 минг шиша яхна ичимлик эл-

дозалари талабига жавоб бермагунча уни тўлиқ ишлаб чиқаришга ва сотувга рухсат берилмади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг қайси шахрига борманг, ҳамма жойда «Кока-кола»нинг мазаси бир хилда тотлидир.

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган шехимизда Абдулмалик Абдуллаев, Леонид Ватолин, назоратчилардан Гулчехра Ермухамедова ва Гулчехра Мирхамидова сингари жуда кўплаб ўз касбининг усталари ишламоқда. Ўлар яхна ичимликларнинг сифатли чиқишида чинакам жонбозлик кўрсатишпти.

«Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасининг фидойи тадбиркорлари изланиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан бир қаторда хайрли ишларни ҳам олиб боришмоқда. Жумладан, янги йил совғаси тарикасида корхона 22-мехрибонлик уйига бир неча компьютерларни олиб берди. Биз янги 1996 йилда ҳам самарали меҳнат қилиб эл дастурхонига жуда кўплаб микдорда хуштаём, салқин ичимликларни тортиқ этиш ниятидамиз...

Корхонадан қайтар эканмиз, беҳтиёр хаёлимиздан 1994 йил 25 июндаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш ўтди. Ушанда Президентимиз Ислам Каримов Тошкент шаҳрида савдонинг тартибга солиш ва истеъмол бозорини тўлдириш тўғрисида куйиб таъиниб, дўкон пештахталарида чанқовбосди ичимликларни топши амри маҳол бўлиб қолганлиги учун шу ишга мутасадди корхоналар раҳбарлари шайнига адолатли танқидий фикрларини билдирган эдилар. Ўшандан бери орадан ўтган муддат ичида яхна ичимликлар нафақат шахримизда, балки республикамиз микёсида бисёр бўлиб кетди. Бугун номи жаҳонга машҳур «Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасининг яратилиши ҳам ана ўша ҳолисанило фидо қилди самарасидир. Дўкон пештахталарини яхна ичимликлар билан тўлдиришда ушбу корхонанинг ҳиссаси эса жуда улканлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Ўша машҳур кўшиқда айтилганидек дарёдан мавж, шодлик бор жойдан «Кока-кола» аримасин.

Гулода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: «Кока-кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасининг маҳсулотлари ва янги «Фанта» ичимлигини «табиб кўриш» тадбирларидан аҳолилар.

Машраб Шарипов олган суратлар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 декабрдаги юртимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори ижодкор санъаткор аҳлининг илҳомини жўштириб юборди. Ҳозир овоз Ватанимизнинг мадҳ этувчи янги кўшиқлар яратиш иштиёқида шоир бастакорлар қўлига созу қалам олдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам кўрик-танловни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмида раиси Р. Файзуллаев йиғилишнинг очар экан кўшиқ ҳар бир инсонга болаликдан ҳамроҳлиги, ютуқларга эришишимизда йўлчи юлдуз бўлишини таъкидлади.

— Шунинг учун ҳам, — деди нотик, — «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори аниқ муддао бўлди.

Шундан сўнг ташкилий қўмида раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ масалалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар, бу борада шаҳар маданият ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳусусида сўзлади.

— Кўрик-танлов дастлаб туманларда ўтказилди. Энг яхши деб топилган кўшиқлар эса шаҳар микёсидаги кўрик-танловда икки этилди, — деди Ш. Жалилов. — Нихоят совринли ўринларга мушарраф бўлган кўшиқлар кўрик-танловининг ҳал қилувчи кейинги босқичида иш-

Сўзга чиққан таниқли кўшиқчи шоир Нормурод Нарзуллаев, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Т. Мўминов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи И. Йўлдошев, шаҳар маданият ишлари Бош бошқармаси бошлиғи С. Олимжўваев ва бошқалар кўрик-танловда барча иштирок этиши мумкинлиги, янги-янги истеъодларни излаб топилди, барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш, яратилган кўшиқлар барчага манзур бўлиши учун катта ижодий изланишлар зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда кўрик-танловнинг юқори даражада ўтказиш учун аниқ режа-тадбирлар белгилаб олинди.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

ФАХРИЙЛАР МИННАТДОР

15 январда Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» республика хайрия жағмармаси ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кўри муносабати билан тадбир ўтказди. Унда уруш фахрийлари, Афғонистонда хизмат қилганлар ва киллари қатнашди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова йиғилганларни байрам муносабати билан табриклади.

Йиғилишда фахрийлар номидан уруш фахрийси Екатерина Ульянова сўзлаб, республика

ликамиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро ўзаро дўстлик ва ҳамжihatлик учун миннатдорчилик билдирди, фахрийлар республикамиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида янада фаол қатнашишга даъват этди.

Йиғилиш охирида уруш фахрийлари, Афғонистонда хизмат қилганларга шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрликлари, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» республика хайрия жағмармасининг пул мукофотлари топширилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР САВДОСINI ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов «Тошкент шаҳар ҳудудида спиртли ичимликлар савдосини тартибга келтириш тўғрисида» фармойиш берди.

Ушбу фармойишга мувофиқ шаҳар ҳудудида спиртли ичимликлар савдосини тартибга солиш ва аҳоли осойишталигини таъминлаш, тартибсизлик ҳамда жиноятларнинг олдини олиш мақсадида туманларнинг ҳокимлари зиммасига тегишли ташкилотлар билан биргаликда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дўкон, ошхона, қаҳвахона ва яқка тартибда фаолият кўрсатувчи шахсларга берилган рухсатнома ва сотиш жойларини қайта қўриб чиқиш; спиртли ичимликлар сотиш жойларини белгилаш

да ўқув даргоҳлари, тиббиёт ва болалар муассасалари, кинотеатрлар, спорт уйингоҳлари, жамоат транспорти бекатлари, оммавий дам олиш оромгоҳлари, шох кўчалар ва масжидлар атрофида сотишни тақиқлашга алоҳида эътибор берилди; балогат ёшига тўлмаган шахсларга спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ва уларни сотиш ман этиш вазифаси юклатилди.

Жойларда сотилаётган спиртли ичимликлар сифатини (айниқса чет элдан келтирилган) солиқ ботиш қарамаси зиммасига тегишли давлат идоралари билан биргаликда қатъий назорат қилиб бориш, ташкилотларни рўйхатга олиш ва рухсатномалар бериш бошқармаси зиммасига спиртли ичимликлар сотишга фақат туман ҳокимликлари тасвиномаси асосида рухсатнома берилишини ва ҳар бир рухсатномада савдо қилиш жойи, вақти аниқ қўрсатилган бўлишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Тадбиркорлик соҳасида ташкил этилаётган фирмалар, турли хил кичик корхоналар бугунги кунда тобора кўпайиб бормоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатаётми? Уларнинг ривожланишига нималар тўсиқ бўлмоқда, деган саволлар туғилади. Бинобарин, ҳозирги кунда ташкил этилаётган кўпала фирмалар, кичик корхоналар бозор қонунларини, бозор шароити муҳитини таҳлил қилмасликлари ва ўзларининг имконият даражаларини ҳисобга олмасликлари натижада иқтисодиётда банкротлик (синиш) деб аталмиш ҳолга тушмоқдалар.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик со-

Тадбиркорларнинг сиртки
мактаби

БИЗНЕС-РЕЖА НИМА?

ҳасида ташкил этилаётган ишлаб чиқаришнинг мақсади ва маҳсулот сотиш йўллари билгилар учун ҳар бир фирма ўзи учун бизнес-режа тузиш ва шу асосида иш олиб бориши лозим. Ҳўш, бизнес-режа нима? Бу маълум муддат, давр учун фирма томонидан иқтисодий таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган режалар дастуридир.

Бизнес-режа ишлаб чиқаришнинг қўла-ми, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тури ва шунга ўхшаш белгилари билан унинг таркиби, тузилиши ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин мазмунан бир хил бўлиши лозимдир. Авваламбор бизнес-режанинг фирма учун инвестициялар (сармоялар) ва инвесторларини (сармоядорларни) жалб этиш, шунингдек ҳар хил турдаги молиялаштиришлари, масалан давлат томонидан берилиши мумкин бўлган субсидиялар (маб-лағ) бошқарув ва техник ҳодимларни иш-лашга ёллашни асослаш учун асосий ҳуж-жат сифатида ҳам аҳамияти каттадир. Чун-ки бозор шароитида ҳар бир тадбиркор иқ-тисодий бақувват ва келажаги порлоқ фир-ма билан алоқа қилишга ҳаракат қилади. Одатда бизнес-режа 3-5 йилга тузилади, у инвесторлар (акция эгалари) ва ташкил этувчилар (тадбиркорлар) ўртасидаги му-носабатларни, уларнинг ўзаро бир-бирла-рини тушунишнинг асоси бўлиб ҳисобла-нади. Бизнес-режа асосан қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Биринчидан, умумий тарзда таклиф эти-лаётган ишлаб чиқаришнинг мақсади, мав-жуд тайёрланаётган рақобатбардош маҳсу-лотлардан фарқи, харидорлар учун жози-бадорлиги асосланиши керак. Бундан таш-қари таклиф этилаётган маҳсулотни мўл-жалланаётган сотиш ҳажми, сотишдан оли-налган тушум миқдори, яъни фойда миқ-дори, ишлаб чиқариш рентабеллиги, кре-дитларни қайтариш муддати, яъни ишлаб чиқаришнинг келажақдаги молиявий нати-жалари акс эттирилиши лозим.

Иккинчидан, маҳсулотнинг таснифи бе-рилиши, яъни маҳсулотнинг истеъмол хо-салари, рақобатчилар таклиф этаётган маҳ-сулотдан фарқи, натижалар билан ҳимоя-ланган даражаси, товарнинг тасвир ва ша-клари ишлаб чиқишлиши лозим. Бу ишлар-ни фирмалар товар (хизмат) бўлими амалга ошириши мумкин.

Учинчидан, ҳар қандай фирма ўзининг

юридик режасига эга бўлмоғи керак. Юри-дик режада мулк нуктаи назаридан фирмани ташкил этиш тури (хусусий, шерикчилик, кор-порация) аниқланади, бу эса ўз навбатида фирманинг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди. Қабул қилинган қарорлар асосида фирма-нинг келажақдаги фаолиятини тартибга со-лувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти шаро-итида тадбиркор таваккалчиликка ҳам йўл қўйиши керак. Бу баъзан салбий оқибатлар-га олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳар бир фирма ўз олдида турувчи хавфни ҳисобга олиши, уни ҳисоблаб чиқиши ло-зим. Асосий мақсад — фирманинг фаолияти мобайнида тўқнаш келиши мумкин бўлган ҳамма турдаги хавфни аниқлаш керак. Ун-дан сўнг эса бу хавфларнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилади. Ушбу чоралар ташкилий характерда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, хом ашёни этказиш усулини ўз-гартириш, баъзи маҳсулотларни бошқаси би-лан алмаштириш ва ҳоказо.

Бешинчидан, фирманинг иқтисодий аҳво-ли тўғрисида барча ҳисоб-китобларни ўз ичи-га олувчи молиявий режа тузилиши керак. Унда олдинги тузилган режаларнинг илҳами бўлган оқибатларини қиймат шаклида (пул-да) умумлаштиради. У ўз ичига қуйидаги-ларни қамраб олади: маҳсулотни сотиш ҳаж-ми, олдиндан айтиш (прогнози), пул сарф-лари ва тушумлари, даромадлар ва хара-жатлар жадвалини, корхонанинг активлари ва пассивлари бўйича умумий баланси ва бошқалар. Келажақ молиявий режалар эса корхона томонидан олинадиган маблағлар-нинг баҳоси ва унга қилинадиган харажат-лар прогнози асосида берилган бўлиши ке-рак.


Олтинчидан, ишлаб чиқариш режаси. Бу режанинг асосий вазифаси — ташкил этилаёт-ган фирма зарур миқдорда маҳсулотни кўрс-атилган муддатда ва талаб қилинаётган сиф-фат даражасида ишлаб чиқара олиш лаёқа-тини аниқ ҳисоб-китобларда ҳисоблашдир. Унда қандай ишлаб чиқариш қувватларида маҳсулот ишлаб чиқарилиши, хом ашё, ма-териалларни этказиш бериш ва этказиб бе-риш шартлари (баҳо, сифат, миқдор нуктаи назаридан) кўрсатилади. Ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблаганда асбоб-ускуна-ларнинг турлари, уларни этказиб беришчи-лар аниқланади. Маълум бўлган ишлаб чи-қариш харажатлари ва келажақда уларнинг ўзгаришлари баҳо бериш ҳам бу режада ўз аксини топиши керак.

Юқоридагилардан ташқари бизнес-режа-да маҳсулотни сотиш бозори, товарларни со-тиш схемаси, баҳоларнинг таркиби топиши, сотишни рағбатлантириш усуллари, рекла-ма фирма фаолиятининг асосий йўналиши-ни белгилайди. Аниққса, бозор муносаба-тлари шароитида рақобат тўғрисида, яъни шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи рақо-батчиларни аниқлаш, улардаги маҳсулотлар-нинг сотилиши ҳажми, даромади, маҳсулот-ларнинг истиқболдаги моделлари, сифат да-ражаси тўғрисида маълумотлар бериш фир-ма учун бизнес-режа тузишда жуда катта ёр-дам беради.

Шундай қилиб режалаштириш тизимида фирма бизнес-режа асосида фаолият кўрс-атса ва юқоридаги режалардан тадбирко-рна фойдаланилса келажақда фирма фойдаси, харидор эҳтиёжлари ва жамият манфаатлари уйғунлашиб кетади.

Ражаб МУСУРМОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-мисси Иқтисодиёт институти аспиранти.



«Ўртоқ» қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури кў-пайиши билан бир қаторда, сифати ҳам тобора яхшияниб бормоқда. Бунга сабаб корхона ишлаб-кор-хона энг керакли сара хом ашёларни қўшни ҳамоўстлик давлатларидан олиб келишга ҳам ҳаракат қилинаётган.

СУРАТДА: корхонанинг фахрий ишчиларидан Баҳром Зуфаров ва Мухаммад Алимҳамедовлар моҳир қандолатчилар саналишди.

Рустам Шарипов ошган сурат.

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси ва унинг туман бандлик хизмати бўлимлари ўтган йилда кенг миқёсда ишлар олиб боришди. Бозор иқтисодиёти муносабати билан ишсиз қолган фуқароларни иш билан таъминлаш, касбга қайта ўқитиш, жамоат ишларига жалб этиш, ишсизлик нафақалари билан таъминлаш каби маънавий-моддий ҳа-да ижтимоий масалаларда алоҳида ўрнат қўрсатишмоқда. Айни чо-да жойлардаги шароитларни ўрганиб, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот, муассасаларда янги иш жойлари ташкил этишга бош қўш-моқдалар. Яқинда муҳбиримиз ана шундай фаолият билан шуғул-ланган, туманлараро яхши кўрсаткичларга эришган Миробод туман бандлик хизмати раҳбари Гулчехра Азизова билан мулоқотда бўл-ди.

— Аввало шу нарсани фуқароларимиз, қолверса, раҳбар ҳодимлар яхши би-либ қўйишлари керакли, бандлик хизма-тининг ҳисоб рақамига тушадиган 2 фои-злик чеғиралар фуқароларимизнинг ўз-маблағларидир, — дейди Г. Азизова. — Ҳар бир фуқаронинг маошидан ўткази-лаётган 2 фоизаллик ҳақлар эртага ўзлари учун асқотлади. Яъни, бу пуллар фойда-сини яна ўзлари кўрадилар. Бундан таш-қари бу пуллар ҳисобидан, қолверса, ҳокимиятлар улущидан корхоналарда ян-ги иш жойлари очишда жуда-жуда асқо-тади. Яна бу маблаг ҳисобидан шахси-миздаги ўқув марказида янги касб бўйи-ча ўқишингиз мумкин. Бирок афсус би-лан айтиш мумкинки, фуқароларимиз ана шундай имконият, шароит ва ҳақ-ҳуқу-қларидан фойдаланмайдилар ёки фойда-ланишни билмайдилар. Агар шун яхши тушуналганларда баъзи ташкилотлар биз бандлик хизматида ишловчи ҳодимлар-дан 2 фоизаллик чеғираларини аширма-ган, турли ваз-қарсонлар билан ошдан-курюк чиқишга уринмаган бўлишарди.

Дарвоқе, алоҳида таъкидлаган келадик, бандлик хизмати мутахассислари фаолиятиимизни кенгайтира бориб, хо-зирда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳам иш олиб бормоқдамиз. — Гулчехра опа, ўтган йилда қайси соҳада яхши натижаларга эришилди? — Ўзбекистон республикасининг «Аҳо-лини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунини амалга ошира бориб, «Банд-лик-95» дастурига ва тасдиқланган иш режасига асосан аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ян-ги иш жойларини яратиш, қайта ўқитиш, касб танлаш соҳаларида маълум ишлар қилинди. Мисол учун ўтган йилнинг бир ойи ичиде 55 та, йил бошидан бери эса 740 та янги кичик корхоналар, ширкат-лар, масъулият чекланган корхоналар ва бошқа ташкилотлар очилди. Яъни 434

та масъулият чекланган корхона, 44 та кичик корхона, 7 та ширкат ва жамоа корхонаси, 320 та шахсий корхона рўйхатдан ўтказилди.

— Демак, янги иш жойлари ҳам очилган.

— Бўлмасам-чи, ўтган йили жами 4337

МАСЪУЛИЯТНИ МАЖБУРИЯТ

та бўш иш ўрни ташкил этилган бўлса, шундан 132 таси кичик корхоналар, 1852 таси пудратлар ва оилавий корхоналар, 57 таси бозорлар ҳисобига очилган.

— Бўш иш ўринлари ҳақида таш-килот, корхона ва муассасалар ўз вақтида ахборот бериб туришса ке-ракми?

— Ўтган ойда 407 та корхона ва таш-килотда 1359 та бўш иш жойлари бор-лиги аниқланган. Корхоналарда штатлар қисқариши муносабати билан 331 та кор-хона бўш иш жойлари йўқлиги ҳақида маълумот берган бўлса 76 та корхона бўш иш жойлари борлиги ҳақида маълу-мот қилишди. Булардан 1161 нафари иш-чи касблари, 198 нафари хизматчи, тех-ник муҳандис ҳодимларни ташкил эта-ди.

Бундан ташқари фуқаролар бизга фак-ат ишсизлиги туфайли эмас, бошқа ма-салалар бўйича ҳам мурожаат қилади-лар. Кичик корхона очиш, янги иш жойи ташкил этиш, қўшмича иш олиш, муда-тидан олдин пенсияга чиқиш ва бошқа

масалалар юзасидан ҳам ҳуқуқий маслаҳат-лар оладилар. Йил бошидан бери 1450 на-фар фуқаро ана шундай маслаҳат олган. Ишсизлик бўйича рўйхатдан ўтказилганлар 786 нафари, иш билан таъминланганлар эса 569 нафари ташкил этади.

— Иш билан таъминланганлар асосан қайси соҳаларга жойлашганини билас-буладими?

— Албатта, 115 киши саноатта, 241 киши транспорт ва алоқада, 73 киши қурилиш, 12 киши савдо-сотиқ ва умумий оғакла-нишга, 10 киши турар-жой коммунал-хўжа-лик тармоқларига, 13 киши маънавий хизмат корхоналарига, 105 киши бошқа тармоқларга иш билан таъмин этилдилар. Ҳа, бундан бўвн бир жойда штатлар қисқарса, бир жойда янги иш ўринлари ташкил этилаве-ради.

— Янги касб ўрганиш борасидаги иш ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— 91 фуқаро янги касб бўйича ўқишга юборилган бўлса, ҳозирда уларнинг айри-лари ўқишларини давом эттирмоқда. Қис-қаришга тушган олий маълумотли мутаха-сс

Иш билан бандлик

сисларни бухгалтерлик, компьютер опера-торлиги, урта маълумотлиларни эса саноат, қурилиш, маънавий хизмат соҳалари бўйича ўқитилмоқда ва малакалари оширилаёт-ган. Ўш муҳдатлари 2 ойдан 6 ойгача. Ишсиз-лик қўпайганлиги туфайли марказимизда ўқиш астидаги бўлганлар қўпаймоқда. Шу-ничи эътиборлики, туман бандлик хизмати-дан ўқишга юборилган фуқаро сабоқ дав-рида стипендия билан таъминланади. Ўқиш тугагач туман бандлик хизмати уни ишга жойлаштиради (Бу вақт ичиде иш топиб қўйишди). Хуллас, бизда ишсизлар эъти-бориз қолмайди, доимо диққат-эътибори-мизда туради.

— Жойларда давлат меҳнат техника инспекцияси ташкил этилди. Туманда бу борада нима ишлар қилинмоқда?

— Меҳнатни муҳофаза қилиш шўбалари ташкил бўлинадиган бери иқтисодиётда ил-жишлар рўй бормоқда. Биргина Миробод тумани бандлик хизмати мутахассислари ту-мандаги 32 та корхона ва ташкилотларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат-

ФАХРИЙЛАРГА МАЛАКАНИ МУОЛАЖАЛАР

Яқинда Собир Раҳимов ту-манидаги 34-поликлиника-нинг янги 5 қаватли биноси фойдаланишга топширилган эди. Шуниси эътиборга лойиқки, поликлиниканинг 5-қаватида II жаҳон ва афғон уруши ноғиронлари, меҳнат фахрийлари учун кундузги стационар даволаш маскани иш бошлади.

— Стационарда Собир Ра-ҳимов туманида истиқомат қилаётган барча уруш ва меҳнат фахрийларига физио-терапия услубида, яъни эле-ктр қуввати, парафинлар, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар орқали малакали хизмат кўрс-атилмоқда, — дейди 34-по-ликлиника бош врач Х.Қ.Эр-гашева. — Уруш ва меҳнат фахрийлари дардида олий даражадаги врачлар ширин сўзлари ва касб малакалари билан малҳам бўлишмоқда. Бу ерда муолажаларда замо-

навий тиббиёт техникаси, жумладан лазер нурлари ор-қали оғриқсиз даволаш усул-ларидан кенг фойдаланил-моқда. Бундан ташқари ста-ционарда тиш, юрак, асаб касалликларини даволатаёт-ган кексалар ҳам қўли енгил шифокорларнинг хизматла-ридан жуда миннатдорлар.

Энг муҳими эса, стацио-нарда даволанаётганлар кундузи бу ерга келиб кун давомида турли хил муола-жаларни олиб, кечқурун яна ўз уйларига қайтмоқдалар. Шунингдек, Ўзбекистондаги фаолият кўрсатаётган ва таҳсил олаётган Ҳиндистон, Япония, Туркия, Хитой ва

МЕҲРИБОНЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

шифокор фазилати бўлиши керак

Дилкаш суҳбатлар

Дунёда нима кўп — касб-хўнар кўп. Лекин шундай бир касб борки, унинг эгалари ҳузурига ҳамма бирдек боради, каттадан тортиб кичикча, бой-бадавлатдан тортиб мискин кишиларгача, юксак лавозимли амалдордан тортиб оддий фуқарога. Гап қайси соҳа кишилари ҳақида кетаётганини англадингиз, чоғи. Ҳа, гап тиббиёт ходимлари, Сиз-у, бизнинг саломатлигимиз посбонлари ҳақида кетаяпти.

Лекин тиббиётнинг ҳам турли соҳалари бор. Биз ҳозир фикр юритмоқчи бўлган соҳага эса ҳамма ҳам журъат билан боравермайди. Чунки бу соҳа одамдан ўта фидойилик, касбга садоқат, қолаверса мардлик ва керак бўлганда жасорат кўрсатиш талаб этади. Бинобарин қўлига тиз олиб, инсон аъзосига яқинлашишнинг ўзи бўлмайди. Бизнинг бу галги дилкаш суҳбатдошимиз Саримбек Наврўзов умрини жарроҳликка бағишлаган фидойилардан бири.



ДАРВОҚЕ, БУГУНГИ СЌЗ КУТГАН «ОҚШОМ» САҲИФАСИ МЕҲМОНИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЌЗ:

• Саримбек Наврўзов 1949 йилда туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Институтни битириб, икки йил туман касалхонасида жарроҳ бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент Давлат тиббиёт институтига клиник ординатурага, кейин эса аспирантурага кириб ўқиди. 1982 йилда номзодлик диссертациясини, 1988 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Юздан ортик илмий мақолалар ва монография муаллифи. Ҳозирги пайтда Республика колопроктология марказининг раҳбари, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти госпитал жарроҳлик кафедрасининг мудир, Жаҳон жарроҳлар ассоциациясининг аъзоси, профессор.

Оиласида икки ўғил ва икки қизи бор.

— Саримбек Наврўзович. Биринчи саволим бироз эриш туюлса, узр. Мана, сиз операция столи олдида. Стол устида ҳозиргина наркоз берилиб, ҳушидан кетказилган оғир бемор ётбди. Унга шу дамда ҳамма нарса барибир. Нима бўлаётганини билмайди ҳам, сезмайди ҳам. Сиз эса жарроҳлик асбобини олиб унга яқинлашасиз... Шундай дамда ҳаёлингизга нималар келади?

— Жавобни шундан бошлаш лозимки, ҳар қандай жарроҳ бемор баданига тиф теккузётгандада ўзиди хис-ҳаяжон, масъулият, кўникамаслик ҳусусиятига эга бўлиши шарт. Шу ҳусусиятлар бўлмаса, жарроҳ бу мураккаб ишга қўл урмагани маъқул.

Иккинчиси, ҳар қандай операцияга қўл уришдан олдин жарроҳ, фикран бутун куч-қувватини сарфлаб, шу операцияни бошдан охиригача тўла тасаввур қила билиш қобилиятига эга бўлиши керак.

— Ҳозир менинг сизга бермоқчи бўлган саволимни деярли ҳар бир журналист ўз суҳбатдошига бермасдан қўймайди. Шу савол билан мен ҳам муурожаат қилмоқчиман: нега сиз шифокор бўлишга, яна ҳам аниқроғи инсон ҳаёти қил устида турган бир пайтда, яъни уни операциясиз ҳаётга қайтаришнинг иложи бўлмаган пайтда — тиф ишлатадиган жарроҳ бўлишга ният қилган эдингиз?

— Гапнинг очиги, мактабда ўқиб юрган чоғларимдаёқ жарроҳ бўлишни орзу қилардим. Негадир менда, тенгдошларим ўртасида бирортасига лозим бўлганда, жароҳатига малҳам қўйиш, қандайдир ёрдам беришга интилиш ҳисси бор бўларди.

Аниқ бир нарсанинг бунга туртки бўлганини аслай олмаيمان. Кечагидек эсимда, биров «Ким бўлмоқчи-сан?», деб сўраса, «Жарроҳ бўлман» деб жавоб берар эдим.

Институтга кириш даврида менда иккилишни бўлмаган. Ҳойнаҳой, тиббиёт, айниқса жарроҳлик шундай соҳа бўлса керакки, қилинган меҳнат ҳар қандай оғир бўлишдан қатъи назар, кишида қониқиб ҳиссиёти пайдо бўлади.

Албатта, бунда, менинг фикримча, чуқур билимдан ташқари истеъдод ҳам бўлиши зарур. Бу жиҳатдан шунини мисол келтириш мумкинки, «Айло»га ўқиган талабаларнинг ҳаммасидан ҳамма кучли жарроҳ чиқармайдими.

— Республикамининг етук жарроҳларидан бири сифатида айтсангиз: жарроҳликнинг ҳозирги аҳоли қандай, бу борадаги муаммолар ечимини топиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш керак?

— Умуман олганда, Ўзбекистон жарроҳлиги етарли даражада ривожланган деса бўлади. Айниқса, томир хирургияси, кардиохирургия, ошқозон-ичак хирургияси, травматология, урология соҳаларида мақтовга сазовор ютуқларга эришганмиз.

Ҳозир, айниқса, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги концепцияси асосида замонавий, камҳарajat, беморлар учун энгил кечадиган усуллар қўлланилмоқда.

Узимизнинг республикамизда бажариб бўлмайдиган жарроҳлик операциялари йўқ десам хато қилмайман. Албатта, вақтинча иқтисодий мураккабликлар бу соҳага ҳам таъсирини кўрсатмай қўймади. Лекин, ҳозир, янги, жарроҳлик учун зарур бўлган жиҳозлар олиб келилмоқда, ҳар хил мураккаб операцияларни бажариш имкони мавжуд.

— 1994 йили Сингапурда бўлган Жаҳон жарроҳлари конгрессида қатнашдингиз. Бу ерда сиз Жаҳон жарроҳлар ассоциациясига аъзо этиб сайландингиз. Янгилишмасам, шундай юксак шарофат Марказий Осиё давлатлари шифокорларини ўртасида биринчи бўлиб сазовор бўлдингиз. Сизни шундай нуфузли уюшмага аъзо этиб сайлашганда кўнглингиздан қандай туйғулар келди?

— Менинг бундай нуфузли уюшмага аъзо этиб сайланишим Ўзбекистон деб аталмиш мукддас ва буюк Ватанимизнинг тиббиёт соҳасида олдинга қараб қўйган яна бир дадил қадами деб билман.

Дунёнинг 50 та давлатидан келган конгресс қатнашчилари орасида Ўзбекистон номининг тилга олинishi менда жуда катта ифтихор туйғусини уяғотди. Қолаверса, бу жамиятга аъзо

бўлиш, шу соҳадаги ҳар бир мутахассис жаҳон жарроҳларининг кенг қўламадаги эришган ютуқлари маъмулотини олиш — қониятини беради ҳамда ўзи қилаётган ишларни мувофиқлаштириш учун зарурдир.

— Дарҳақиқат, сиз, Саримбек Наврўзович, дунё кезган олимлардансиз. Ушбу фикримизга мисол тариқасида сизнинг Англияда икки ойдан сал кўпроқ муддат мобайнида ижодий сафарда бўлганлигини келтириш мумкин. Шу мамлакатда йўлга қўйилган тиббиёт хизмати ҳақида нималар дея оласиз?

— Дарҳақиқат, Англиядаги бутун дунёга машҳур клиникаларда, академик институтларда малака оширишни қўлчилик орзу қилади. Тиббиёт соҳасида жуда кўп илгор ютуқларга эга бўлган бу давлат таърибасини ўрганиш бизнинг ёш мустақил Ўзбекистонимиз учун айтиш мумкин. Деярли ҳамма тиббиёт муассасалари давлат тасарруфидандир. Шу ердан олтирилган таърибалар бизнинг клиникада тўла амалга оширилди ва ёш кадрларни тайёрлашда фойдаланилмоқда.

— Англияда бўлган сафарингиз таассуротларини эшитиб, бундан 6 йил илгари ўша мамлакатда борган тошкентлик инглиз тили ўқитувчиси келган айтган бир гапи ҳаёлимга келди. У бир инглиз хонадонидан кўним топган экан. Ўзбек ҳамма ерда ўзбек-да. Бунга қарангки, ҳалиги ҳаммашаримиз уй эгаларини бир ўзбекча палов билан хурсанд қилмоқчи бўлибди. Дўкундан қўйнинг думба ёғини олиб келиб, костролкада ош дамабди. Лекин уй соҳиблари ошининг қўй ёғига қилинганлигини билишиб, икки қошиқдан ортиқ ейишмапти. Чунки бундай ёғ қондаги холестеринни кўпайтириб юбориши ҳаммадан ҳам сизга айниқса аён. Ё шундай эмасми? Бу мисолни айтишдан мақсад шунки, Англияда бўлган пайтингизда инглизларнинг турмуш тарзи, қандай овқатланиши-у бўш вақтини қандай ўтказишлари билан ҳам танишингизми?

— Солиҳжон ака, саволингиз ҳазил тариқасида бўлса-да, жуда ўринли ва долардир. Инглизлар овқатланиш, дам олиш режасига жуда маъсуллик билан қарашди. Бирон-бир озик-овқат, хаттоки кийим-кечак олишдан олдин унинг экологик тозаллигига эътибор беришди.

Мисол тариқасида мен Лондонда ўқиб юрган чоғимда телевидение ҳамда газеталарда берилган жанжалли бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Яъни, Хиндистондан ва адашмасам Филиппиндан келтирилган оёқ кийимларга суркалган бўёқлар таркибидан инсон органини учун зиён етказадиган, яъни аллергия қакрадагидан модда борлигини аниқлаб (бутун Англия бўйича бор-йўғи 2 кишида бўлган) уларнинг сотилишига қарши бўлган. Узингизга маълумки, ўша фирмалар қанчалик зиён кўрган.

Биз ўрганиб қолган миллий таомларга келсак, ҳақиқатан ҳам икки ҳафтадан кейин уни кўмсай бошлашимиз турган хонадонимизда костролда эмас, ҳақиқий қозонда ўзимизнинг ўзбекча паловни тайёрладим, лекин, думба ёғи эмас, ўсимлик ёғи...

Умуман олганда, холестерин микдори кўпайтирувчи таомларга салбий қарайман. Айниқса, 40 ёшдан ошган фуқароларимизга қондаги холестерин микдори тиз-тез аниқлаб туришни маслаҳат берар эдим. Уни эса парҳез ва дори-дармонлар билан бошқариб турса бўлади. Бу умрини узайтириш омилларидан биттасидир.

— Киши ўзи танлаган касбда баъзан билиб-билмай ҳатолликларга ҳам йўл қўйиши мумкин. Лекин шифокор бундай хатога йўл қўйса инсон умрига зомин бўлади. Шу ўринда шифокор сифатида бир нарсани айтсангиз: баъзи оқ халатли ҳамкасбларингизнинг инсон умри қил устида турганига қарамай, шифокорлик бурчиға лоқайд қарашдек ҳуноқ оdatларига муносабатингиз қандай?

— Бу ҳақда менинг ўзимнинг аниқ, қатъий фикрим бор: шифокорлик бу мардликни, ҳамдардликни, меҳрибонликни ва ўз устида узлуқсиз ишлашни талаб қилади. Унинг учун билашлути кам-бағалин, оғир-енгил дардин даволаш, бир хил ёндошиш, баб-баравар ёрдам кўрсатиш демакдир.

Тиббиёт соҳасидаги баъзи нопоқларга, ўз ишига совуққонлик билан қарайдиганларга келсак, буларни тиб-

биётдаги тасодифий кимсалар дейиш тўғри бўларди.

Шифокорларнинг хато қилишга ҳаққи йўқ. Ҳар бир хато учун нафақат қон олдида, балки виждон олдида ҳам жавоб беришлари лозим.

Менинг фикримча, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлиги остида йўлга қўйилган янги концепция тиббиёт соҳасига нопок ниятда қадам қўйганларни элақдан ўтказиш учун имконият яратди.

— Сизни дилкаш инсон, қўли енгил жарроҳ сифатидагина эмас, балки яхши оиланинг ибратли сарбони сифатида ҳам яхши биламиз. Ойлада тинчлик-тотувлик, аҳиллик бўлиши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз. Шундай савол бераётганимизнинг боиси шундаки, баъзи оилалардаги ўринсиз жанжаллар оқибатида умр бўйи ногирон бўлиб қолаётганлар ҳам бор. Шундай ноқуш воқеалар оқибатида жарроҳлик столига ётганлар озмунчами?

— Ҳалқимизда «Оиланг тинч — сен тинч», деган мақол бор. Ҳақиқатан ҳам оилада тенглик, тотувлик, бир-бирини қўллаш бўлса, ишда бутун ғайрат билан ишлаш учун, ўзининг илмий билимининг ошириш учун имконият яратилади. Биз турмуш ўртоғим Хўлқарой билан фарзандларимиз тарбиясига, билимларини оширишга кўп вақт ва куч сарфлаймиз.

Ойлада жанжал чикмасликда иккала томоннинг ўзини тўта билиш қобилиятини мукассамлаштириш жуда катта роль ўйнайди. Кўпинча хатто ўзига дуруст оилалардан қалтакланган, тан жароҳати олган инсонлар клиникамизга келтирилади. Операция чоғида «Наҳотки инсонлардан шуналик жохиллик чиқар экан?» деган фикр ўтади.

Фикримча, ҳар қандай шароитда ҳам бағри кенглик ва олижаноблик қилиб, бир-бирини кечира билиш керак.

— Сиз шифокор бўлсангиз ҳам шёриятга, умуман адабиётга, мусиқага жуда қизиқасиз. Кичик қизингизни махсус рақс тўғрарига берганлигингиз, у ҳақда фильм яратилгани, бу фильм бир неча бор Ўзбекистон «Ойна» жаҳони» орқали кўрсатилгани ушбу фикримизнинг далилидир. Айтингки, санъатга бунчалик қизиқишнингизнинг боиси нимада? Сир бўлмаса айтсангиз: қайси шоир ва ёзувчиларнинг асарларини севиб ўқийсиз, қайси санъаткор кўшмаларини муриқчи эшитасиз? Умуман тиббиёт билан адабиёт ва санъат ўртасида қандай боғлиқлик бор деб биласиз?

— Бу саволга жавоб бериш мен учун жуда мароқли. Инсон ҳаётини шёриятсиз, санъатсиз, мусиқасиз тасаввур этиш қийин. Бу қизиқ инсон қалбиде меҳрибонлик, ирода, хатто янги-янги ғоялар келтиради. Биз ҳаммамиз мумтоз мусиқалар ва ашулаларни жуда ҳам севадим. Кичик қизим Висолахон рақс тўғрарига берганимизнинг боиси ҳам шунандир. Висолахон Туркияда жаҳон болалари фольклор ансамбллари фестивалида қатнашиб, ижобий натижалар билан қайтди.

Мен ҳақиқатан ҳам шёриятга, умуман санъатга қизиқаман. Айниқса, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, ёзувчилардан Пиримқўл Қодиров, Одиқ Ёқубов, Ўткир Хошимов асарларини севиб ўқийман. Оғир операциялардан кейин театрда ажойиб спектакль кўриш, «Ойна» жаҳон» орқали ажойиб кўшмаларни тинглашдан мароқли нарсалар бўлмаса керак. Қайси бир шаҳарга, қайси бир мамлакатга бормай, биринчи навбатда музейларга кириман. Бинобарин санъатни, адабиётни ўзига ҳамроҳ қилган шифокор бемор қалбини чуқур англаб етади.

— Ҳар бир соҳа эгаси ишдан сўнг бирор тўйга бориши ёки сайилга чиқиш кетиши мумкин. Лекин сиз сингари жарроҳни уйингиздан қўқарим кечада уйғотиб олиб кетишгани бор ҳақиқат. Ана шундай пайтларда танлаган касбингиздан афсусланган кезларингиз ҳам бўлганми?

—

Инсон ўзининг жуда кўп хислатлари билан турмушга маъно ва мазмун кириштириб келмоқда. Инсондаги ана шу ажойиб хислатлардан бири босиқ бўлиш, вазмимилликдир.

Хайт тажрибамиздан маълумки, вазмимилликлар мушохадаси, ҳар бир нарсани чуқур ўйлайдиган, иборали қилиб айтганда «Этти ўлчаб бир кесадилар» дон бўлади. Ана шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёти мазмунли бўлади. Дарҳақиқат ёқимтой чехраларидан ақл-заковат нури таралиб турган босиқ кишиларга тахсинлар айтилган келади. Улар зийраклик билан иш тутадилар, қийинчиликларни осон бартараф этадилар, ҳатто нуқул шариоатда ҳам яхшилик гулдастасини туза оладилар.

Айл ва идрок, босиқлик ҳаммавакт инсондаги ўта олижаноб фазилатлардан саналиб, қадим-қадимдан буюк ақли дошлар мана шу хислатлар ҳақида инсонни ҳар қандай мушкулотдан ҳалос эта оладиган куч, зағуликлар пойдевори сифатида фикр қилиб келганлар. Оила учун ушбу хислатнинг баҳоси беқеъдир. Босиқлик оилани мустақамлайдиган пойдевор билан босиқлик — нуқсон ва камчиликлари билдирмайдиган, кемтиклари беркитадиган ҳамдир. Ўзини босиб туриш, вазмимил ҳеч вақо турмайди-ю аммо кўп олижанобликлар ота этди. Босиқлик ва вазмимиллик чидаш бироқ қийинроқ бўлиб туюлса-да, аммо оқибати шарофатли, «мева» паззатлидир. Шу ўринда ҳаётнинг бир мисолига мурожаат қилиш мақсада мувофиқдир.

Яқинларимиздан бири болалари мактабнинг юқори синфларида ўқиб, гўдак йиғисидан ҳоли бўлиб қолганда. Оила соҳиб ижодкор бўлиб, ўз вақтини маълум бир режалар билан ўтказар, умуман ўз вақтидан унумли фойдаланишга интилар эди. Шу сабабли ўз уй-аёллари билан банд, оиладагилар ҳам уларга иложи борица ҳалақит бермасликка интиладилар. Рустам ака ўзининг оғир, вазмимилги, уйлаб иш тутуши ва бошқа қатор фазилатлари билан оила аъзолари

рининг ҳақиқий ҳурматларига сазовор бўлган. Табиийки, унинг фазилатлари оила аъзоларида ҳам ижобий таъсир кўрсатар эди.

Қўнлардан бир қўни мана шу дустиманининг уйига бир қариндошлари боласи билан ўта инжиқ, сал нарсасига ҳарҳаша кўтарар экан. Бу ҳолатдан ҳамма безовта, айниқса болақайнинг онаси ўзини нуқулдай сезиб бемаврид қилиб қолганлигидан ўнгайсиз ҳолга тушади. Атрофдагилар қанчалик уринмасин, ҳаракат қилмасин болани овути олмасин, уларнинг барча интилишлари бейфойда бўлаётган эди. Шунда уй соҳибаси юрак ютиб:

ЭЗГУЛИК ПОЙДЕВОРИ

— Дадаси кечиринг, болада, нима қилаёлик кўндрининг ҳеч иложи бўлмапти, — деб эридан уэр сўрабди. Гарчи эрининг ҳаёли ижод билан банд бўлса-да, воқеани англаб, ўта босиқлик билан:

— Ҳеч ҳижолат бўлманлар, бу боланининг йиғиси мени болаболлик тарбиялапти, — дебди.

Рустам аканинг фарзандларини «бўйи етиб» қолганлигини баҳолайдиган бўлса, меҳмон боланининг ҳарҳашасини зағуликка йўзлапти, «эрта-индин» бизларга ҳам набиралар насиб этсин қабилида иш тутиб, қўнгилиқликка айланиши мумкин бўлган вазиятни юмшатиб, қўнгилиқликка бўриб юборди.

Ҳа, босиқликка топқирлик қўйилса, ақл билан пешланса оқибати шарофатли бўлади.

Бир тасаввур қилиб кўрин-а, мана шу ҳолатда бошқа бирор қўни бўлса-ю, аксинча, меҳмонга ва унинг боласи-

га нисбатан кўпол муомала қилиб ҳамманинг дилини оғиритиб қўйса, атрофдагилар, шу жумладан унинг оила аъзолари ҳам жуда нуқулдай ахволда қолар эдилар-ку. Меҳмонларнинг ҳам, меҳмонларнинг ёгани татимасди, аксинча уларнинг игнанинг устида ўтиргандек ҳис қилишлари мумкин эди.

Босиқ кишилар ҳар қандай шариоатда ҳам тадбиркорлик билан иш тутадилар, ҳолиқилиш шошма-шошарлик уларга беғона. Ана шу босиқликка, вазмимилликка, чиримлилик қўйилса яна ҳам соз, нур устига аъло нур бўлади. Негаки, атрофимиздагиларнинг аризмас бир айби ёки хатоси уларга дақиқ бериш, қамситиш, мазаҳ қилиш сингари инсонийликнинг

жонинг бақир-қақирларини, дунёни бузғудек аюҳансоларини чидам билан эшитиб, ҳаммасини ҳазм қиларди. Ҳаттоки ноҳақликлар бўлса ҳам «отарди». Алижон «соғунардан» кейин ушбу даҳмасини ўзига ҳам қўлиги туюларди. Ушбу ҳолат эр-биродарлари билан ҳам бир неча мартаба қайтарилиб, бир қатор дустури дустлик ришталарини узиб кетишгача этди. Шундай пайтда босиқ, сўзамол дустларидан бири: «Азизим Алижон, сизнинг мана шу қилингизисиз нурун бўлди, бунчаликка бориш ярамайди. Хўш бориңки, ўша дустингиз сизнинг яхшилигингизни билмади ҳам дейлик. Бунинг учун шунчалик қўнгилиқликка бориш керакмикин? Балки бошқароққ ёндосилса ҳам бўлар-

Ҳайт сабоқлари

миди?» Чин дуст маслаҳатининг мазмунини шундай бўлди. Унинг таъкидлашча кишилар ўртасидаги дустлик ришталари ҳам худди унинг, бинининг қўрилишига ўхшар экан, яъни пойдевор деворлари, тому шуволари ўхшаш аста-секин бунёд этилар экан. Шунинг учун дустингиз у ёки бу ҳолатда бирор бир камчилики йўл қўйса аввало кечириниш билиш даркор. У таъсир қилмаса, ўзингизни қўйишга жой тополмасангиз, бориң сизингча ҳам бўлсин дейлик. Сиз ўша дустлик деворининг юқори қатламларидан бирор қаторини олиб ташланг. Аммо зинҳор базинҳор унинг пойдеворида пўтур етказманг. Анг-лашилдики, бу ўринда доно дустингиз маслаҳати жуда ўринли бўлиб, у ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам инсонга энг тўғри йўл танлай билишга ёрдам беради. Унинг атрофида кишилар энг аввало оиласи билан, ўзининг дуст-ёронлари билан муносабати доимо яхши бўлишини

Биз билиб-билмаган дунё

ЧЕКСИЗ СИНОАТЛАР

Биз чексиз Коинотнинг бир «қирғоғида» яшаймиз. Баъзи одамларнинг «Табиятда «оқ доғлар қолмади, инсоний ҳамма нарсанинг сирини ўрганиб олди», қабилидаги гапларини ҳам эшитганмиз. Аммо, илм-фан қўллаб-қўллагична саволлар устида боз қотирмоқдаки, бундай сир-асрорларнинг қанчалик йўқ ва маъно нима, қандай пайдо бўлган, ҳайт нима ўзи, яшайдан мурод не... Агар қимми ҳис этиш, ҳайратланишга қодир бўлса билади, ҳар бир ўтаётган қўнимиз ҳикматга, синоатга тўлиқдир. Қуйида улардан баъзилари ҳақида ҳикоя қилинади.

ТУГМА КЕКСАЛАР

Бразилия қангалзорларида яшовчи ҳинду қабилаларида бири жуда ғалати, ғайриоддий насл билан қўнлар бўлади. Уларнинг қўнлари ҳамма вақтларда ҳамма нарсани ости-устин қилиб ташлашади. Йиллар давомида ҳама билан қўрилган «илиқлик», «яқинлик», «дустлик» биносининг пойдеворини яқсон қилиб ташлашади. Бундай бетоқатликда, шоҳқалоқликдан нафақат дустлари, балки йўл танлай билишга ёрдам беради. Унинг атрофида кишилар энг аввало оиласи билан, ўзининг дуст-ёронлари билан муносабати доимо яхши бўлишини

АҚЛ ҲАМ ЖИНСГА БОҒЛИК

Яқинда америкалик ҳақимлар олиб борган тадқиқотлар шунки қўрсатди, эркак ва аёл ўртасидаги фарқ уларнинг фақатгина гадаси, ички тузилишида эмас экан. Бош мия фаолиятига оид тадқиқотлардан маълум бўлдики, қарама-қарши жинс вақилларнинг фикрлари ҳам турлича бўларди. Масалан, бир матини ўқиган эркакнинг миянинг чап ярим шаридаги миттигина бўлими ишлайди. Аёлларда эса ушбу иш учун иккала ярим шар ҳам ҳаракатга келаркан. Тадқиқот раҳбари Йель университетининг доктори Салли Шиллер бу ҳақда шундай дейди: «Ушбу факт эркаклар аёллардан ақлкор экан, деган ҳулосани бермайди. Фақатгина тадқиқотлар шунки яна бир бор таъкидладики, биз турли-турлимиз...»

МИС ТОҒИ СОХИБАСИНИНГ ИЗИ

Шоҳрлар катта қуқуриқларда тошга айланган ўсимлик қолдиқлари, барг ва ҳайвонларнинг изларига дуч келадилар. Яқинда ураллик маъдан-шуволар хайратланган тоғларнинг гувоҳи бўлдилар: шахта боғиларининг ёрдамчиси С. Гуровнинг айтишича, 900 метрдан қуқуқуқордан тоғликдан қўм бир бўлағида аёл кишининг оёқ изи бор экан! Табиатнинг жумбоғини қаранг, шунча қуқуқуқорликдан маъдан юзиде тахминан 34-ўнча (размер)даги оёқ изи аник-тиник қўрқиб турибди...

АРОҚҚА ҚАРШИ ҲАҚДОРИ

Кинодаги Фармацевтика университетининг тадқиқотчиси Масажоки Ешикова ароқ инча ҳам маст қилмайдиган воситани топибди. Америка киме жамиятининг конференциясида у шундай далилларни келтирди: тақриба ўтказилган қаламуш турмирга бир вақтда спирт ва доридан юборилганда, ундаги алкоголь микдори зарарча ўзармади. Қамелия ва каштан дони асосида тайёрланган восита алкогольнинг қонга ёйилишига йўл қўймай, батамом ўзига «тортиб» олади.

САҲРОГА КИМ НАЙЗА ОТДИ?

Монополисте шахри яқинидаги Қалъахари саҳроси бўйлаб автомобиль йўли қўрилганда, сирли тоғликда дуч келибди. Ташиқ қўрқинидан у бир метрдан эиероқ, наҳанг (қит) овлайдиган гарпун (илмоқли найза)ни эслатарди. Тоғликани текишган олимлар қора металнинг юзиде занг-

ишлаймайдиган Б. Захардан нима учун қичиқ қалибри «ТОЗ-15» русумли қўрқунли уйда сақлаётганлигини сўрашганда бир танишминики эди, дейди. Афсус у қайси таниши эканлигини айтиб

Ножўя иш — келтирар ташвиш

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

ерга қўлатди.

ТЕМИРНИ ҲАМ ЮТАДИ

Миробод туманидаги ётоқхоналардан бирида қўла плитаси — «чоғи йўқолиб қолди. Қўлагини шундаки, унинг қандай йўқолиб қолганини ҳеч ким билимади ҳам. Шўнга ўхшаш жумбоқлар туман ички ишлар бошқармаси ходимларининг бироқ бошларини қотирди. Бироқ жиноятчи барибир бирон из қолдирмаслиги, бирон жойда хатоликка йўл қўйган бўлишга шўнча кин эмасди. Шундай бўлди ҳам. Жиноят-қидирув бўлими ходимлари кичкина ён дафтарчадан бир-

ни тутишди. У шу ерда яшайдиган, «Дустлик» кичик қорхонасида пайвандчи бўлиб ишлайдиган О. Генияди бўлиб қолди. Токан бўлса темирни ҳам ютушга тайёр бўлган бу қимса ҳақ ўқонга ўз нақасига кириштиб қўйган экан. Кейинчалик бу ўқонни пуллаб юбориш мақсадида шундай иш тутганилини у терговда яширмади. Ҳақон ишда тоғликдан шўр қилмаган бу йиғит қилишларини учун жазосини оладиган бўлди.

ҚУРОП БАРИБИР ҚУРОП-ДА

Миробод туманидаги Қўйлик мавзёсида яшовчи, ҳеч қаерда тилган варақни тоғлиб олишди, Биласизки, одам ёзувига қараб ҳам кўп нарсани, ҳатто унинг феъл-атвори, қанақа одам эканлигини аниқлаш мумкин. Устаси фаранг ҳодимлар билисда ўри-

бормлади. Милтиқ билан бирга унинг хонадонидан яна шу қўрол учун муқаллабдан 36 донга ўқ ҳам тоғликди. Ҳеч қандай ҳужжатсиз ва лоқоний равишда сақланган қўрол мусодара қилиниб Б. Захарга нисбатан тегишли жаза чораси қўрилди.

«АВТОПОЙГА»ДА ЮТҚАЗДИ

Ҳеч қаерда ишлаймайдиган, ишдаги ҳам ҳохламайдиган Юнусжон охири пайтда ғалати одат чикарадиган бўлиб қолган. У бир қўни қўнсининг эшиги олдида турган 2 қоп талқонни кўтариб келди. Биринчи бечора ундан асло тўмонсирмади ҳам. Қим-

олган бўлса ҳам яхши иш қилмади, деб қўя қолди. Угирлик хуш экди шеклини у бошқа нарсаларни ҳам ўғирлаб пул «топиш»га ўтиб олди. Аммо бу ҳам унга тўғри келмади. Майда-чўйдағлар жо-

нига тегди шеклини йирикроқ ўлжани қўлга киришти пайига тўшиб қолди.

Одатдаги қўнларнинг бирида қўнлига тўғиб қўйган режасини амалга ошириш учун қўлай пайт қалганлигини қўриб ўзида йўқ хўруқлар билан қўла келди. «Энди оқибди олчи бўлди», деди ичиди. Мирзо Улўғбек туманидаги қўнлардан бирида яп-янг 2106 русумли «Жигули» машинаси ҳақдончи тоғликдан эшиги қўнларидан очик ҳолда қолдирилганда, у ёқ, бу ё